




Кун нафаси

◆ Бельгия пойтахтидаги Европа Иттифоқи кенгашида наркотиклар бўйича «ЕИ – Марказий Осиё» мулоқоти бўлиб ўтди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Садирдин Бойдедаев бошчилигидаги мамлакат делегацияси, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларининг гиёҳвандликка қарши кураш идоралари, шунингдек, минтақа давлатларининг Европа Иттифоқидаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этишди.

◆ Ўзбекистон элчиси **Муҳсин Абдурахмонов** Япониянинг Seven-Eleven Japan Co., Ltd савдо тармоғи таркибига кирувчи Seven Global Linkage компанияси ижрочи директори **Макото Ясуй** билан музокара ўтказди.

◆ Адлия вазирининг буйруғи билан Товар келиб чиққан жой номи ва бу номдан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва қўриб чиқиш қоидалари тасдиқланди.

◆ Эрон Вазирлар Маҳкамаси бир томонлама тартибда 32 давлат билан виза режими бекор қилишни маъқуллади. Бу ҳақда IRNA хабар берди. **Виза режими бекор қилинган мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор.**

◆ **Аббосбек Файзуллаев**, IFHS талқинига қўра, **2023 йилнинг энг яхши ёш футболчиси соврини учун номзодлар қаторидан жой олди.** Умумий рўйхатда 26 нафар футболчи мавжуд. Улар орасида Беллингеи, Гави, Мусиала каби юлдузлар бор.

◆ «Метрополитен» матбуоти хизматининг хабар беришича, **Тошкент метросининг янги «Турон» (13 бекат) ва «Қипчоқ» (14 бекат) бекатлари 15 декабрдан синов тариқасида (йўловчиларсиз) ишлай бошлади.** Тест натижаларидан сўнг йўловчилар фойдаланиши мумкин бўлади.



ЁШЛАР УЧУН 1000 КИТОБ – КЕЛАЖАККА ХИТОБ

Жиззах вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

30 ЙИЛЛИК МЕХНАТ ЎЗ БАҲОСИНИ ОЛДИ

Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмасининг икки врач – Мамашариб Нурмуратов ва Абдумўмин Эгамбердиев 29 йил меҳнат таътиliga чиқмай, иш берувчининг талаби билан хизмат қилган ва шу йиллар мобайнида таътил учун қўшимча маблағ тўлаб берилмаган.

Ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклашни сўраб, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига йўллаган мурожаати қонуний тартибда ўрганиб чиқилди ва улар ҳақлиги аён бўлди. Мурожаатчиларнинг манфаатларини қўлаб, судга даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан иш берувчидан Мамашариб Нурмуратовга 330 миллион 145 минг 80 сўм, Абдумўмин Эгамбердиевга 266 миллион 767 минг 489 сўм компенсация ундирилди.

Бир қарашда одилона қарор билан икки шифокорнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, салкам 30 йиллик меҳнат муносиб баҳоланди. Аммо масаланинг бир оғриқли жиҳати бор.

Хўш, нима учун таътил пуллари ўз вақтида берилмаган? Бу ҳолат қандай йўллар билан ҳар йилги аудит текширувлардан ўтиб кетган? Ахир, бирданига тўланаётган бу суммалар кичкина маблағ эмас. Ҳисобчилар шу иши билан муассасанинг йиллик бюджетига яхшигина салбий таъсир кўрсатаётганини англашмаганими?

Афсуски, «ишлаб тур, ҳақингни оласан» қабилади қилинаётган бу ишлар биргина Ғаллаорол тиббиёт бирлашмасида учраётган ҳолат эмас. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши томонидан тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 216 нафар ходимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи суд орқали ҳимоя қилиниб, уларнинг фойдасига моддий ва маънавий зарарлар ундирилгани сўзимиз исботи.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ташкилот, муассаса раҳбарлари, уларнинг бош ҳисобчилари меҳнат қонунчилигидан хабардор эмасми ёки шунчаки писанд қилмаётими?

Мелитожи ЯҚУБОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Жиззах вилояти кенгаши раиси



Фарғона
вилояти

Викторина

ҒОЛИБЛАР «ISHONCH»НИ ЎҚИЙДИ

Фарғона шаҳридаги вилоят муסיқали драма театрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида Бош қомусимизга бағишлаб маънавий-маърифий анжуман ташкил этилди. Унда 300 нафар хотин-қиз ҳамда 100 нафар касаба уюшма фаоли иштирок этди.

Тадбир доирасида «Сиз Конституцияни биласизми?» мавзусида викторина ўтказилиб, унинг 20 нафар ғолиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигидаги «Ishonch» газетаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги муассислигидаги «Янги



Фарғона» газетасига 2024 йил учун 1 йиллик бепул обуна сертификати ва китоб жамланмалари билан тақдирланди.

– Бу мен учун ажойиб совға бўлди, – дейди викторина ғолиби Қанотхон Мўминова. – Энди мен бир йил давомида «Ishonch» саҳифаларида бериладиган бир-бирдан ажойиб мақолаларни мутлоа қилишим мумкин. Бу оила аъзоларим учун ҳам ажойиб тўғра бўлди.

Тадбирда вилоят муסיқали драма театрининг маҳоратли актёрлари томонидан намоиш этилган «Зўрдан-зўр» спектакли барчага кўтаринки кайфият улашди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИГА ОИД АУДИТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси шу кунларда Иқтисодиёт ва молия вазирлигида Гендерга оид аудит ўтказмоқда.

Шу муносабат билан 13 декабрь куни семинар ташкил этилди. Унда вазирликнинг мутахассислари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар охириги йилларда мамлакатимизда аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда уларнинг мавқеини ошириш, давлат идораларида юқори лавозимларга жалб этиш борасида олиб борилаётган ислохотларга алоҳида тўхталдилар.

– Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш, мухтасар айтганда, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсати даражасида кўриломқда, – деди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўринбосари Гулнора Раҳимова. – Гендерга оид аудит биринчилардан бўлиб, айнан Иқтисодиёт ва молия вазирлигида бошлангани ҳам бежиз эмас. Бу ҳам вазирлик мазкур жараёнга жиддий киришаётганидан далолат. Ишончим комил, мазкур тадбир доирасида тегишли тартибда таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилади.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида аёллар раҳбарлик қилган соҳаларда коррупция ҳолатлари бўлмаслигини бот-бот тақдорлайди ва бу аслида ҳам исбот талаб қилмас ҳақиқат.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими му-

дири Нодира Ғойибназарова ўз нутқида айни шу жиҳатлар ҳусусида сўз юритиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигида аёл раҳбарларнинг борлиги ва ташкилотда гендер тенглиги масаласида жиддий ўзгаришлар кузатилаётганига алоҳида урғу берди.

– Гендер тенглигини таъминлаш йўлида ўтган давр мобайнида қирқдан зиёд меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди, – деди Нодира Ғойибназарова. – «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган ҳам бу борадаги ишлар қўламини нақадар кенг эканини тасдиқлаб турибди. Шунингдек, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш масаласи энг муҳим вазифа этиб белгиланди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, 2022 йил 15 декабрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида» Қонун билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида Гендерга оид аудит ўтказиш белгиланган.

Халқаро тажрибага қўра, Гендерга оид аудит уч босқичда ўтказилиб, биринчи масофавий, иккинчи жойига чиққан ҳолда ўрганиш, интервью ва семинарлар ўтказиш, учинчи босқич ҳисобот тайёрлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»





Қашқадарё
вилояти

АВВОНАЛИК АЁЛЛАР МАМНУН

ЯҚИНДА МИРИШКОР ТУМАНИ «АВВОНА» МФЙДА ЯШОВЧИ ОЛТИ НАФАР
АЁЛГА «АЁЛЛАР ДАФТАРИ» ДОИРАСИДА НОГИРОНЛИК АРАВАЧАСИ ТОПШИРИЛДИ.

– Бундан ташқари, 35 нафар ўзи ёки қарамоғида ногирон фарзанди бор хотин-қизга 1 миллион 188 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилди, – дейди «Аввона» МФЙ хотин-қизлар фаоли Мукаррам Наврўзова.

Умуман, поёнига етаётган йилда аввоналик 110 нафар аёл «Аёллар даф-тари»га рўйхатга олиниб, 4-босқичга киритилди ва ҳар бориға тоифасига қа-раб, ёрдам берилди.

Масалан, Дилором Эшонкуло-ванинг уйи анча тўкилиб қолганди. Томидан чакка ўтарди. Уйи таъ-

мирланди. Икки фарзандини ёлғиз тарбиялаётган Сабоҳат Азимовага ҳам янги уй қуриб берилди. София Ашурова ҳам ўз хонадонига эга бўлди. Меҳринисо Расулова 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, ти-кувчиликни бошлади. Чеварликка ҳавасманд қизларни шогирдликка олди. Бугунги кунда унинг кичкина цехида иш қизгин. Чеварлар буюртма асосида кийим-кечак, кўрпа-ёстик ти-кишмоқда.

Ўрганишлар мобайнида маҳал-лада муолажа олишга муҳтож, аммо оилавий шароити сабаб бунинг уддаси-

дан чиқолмаётган опа-сингиллар ҳам аниқланган эди. Адолат Шукурова ана шундай аёллардан бири.

Унга умуртқа чурраси азоб берарди. Мутасаддиларнинг саъй-ҳаракати би-лан онахон шифо топди. Шунингдек, унга 1 миллион 188 минг сўмлик мод-дий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли Му-каррам Наврўзованинг меҳнатлари беиз кетмади. Жорий йилда у «Муъта-бар аёл» кўкрак нишони билан тақдир-ланди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Самарқанд
вилояти

Фаолиятга назар



Металлургия ва машина-созлик соҳалари саноати-миздаги драйверлик ўр-нини тобора мустаҳкамлаб борапти. Хўш, гуркираёт-ган, ривожланаётган бу тармоқлар корхоналарида меҳнатга муносиб шароит яратилганими? Ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофазалашда, меҳнатга ҳақ тўлашда қайси мезонларга асослан-моқда? Умуман олганда, оғир ва шарафли меҳнат ўзининг муносиб баҳосини топаётганими?

Биз соҳа ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд (Жиззах, Навоий) ҳудудий кенгаши фаолияти мисолида бу масалаларга ойдин-лик киритишга интилдик.

Бундан беш йил бурун учала вилоятдаги тизим корхоналари бо-шини қовуштирган тармоқ ўз са-фига 19 та бошланғич ташкилот ва 3825 нафар аъзони бириштир-ганди. Ҳамкор ташкилотлар билан келишув ва битимлар, жамоа шарт-номалари имзоланиб, ҳодимлар меҳнати муҳофазатга олинганди.

УЮШМА АЪЗОЛАРИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

– Жорий йил бошидан буён айни ҳудудлардаги 50 га яқин кор-хона билан мулоқот ўрнатдик. Бу жамоаларда асослантирилган меҳнат шартлари тарғиботи йўлга қўйилди, – дейди тармоқ кенгаши раиси Олимхон Мирзаев. – Нати-жада 21 та корхонада ишлаётган 1854 нафар ходим касаба уюшма-лари сафига қабул қилинди. Уларга хавфсиз ва кафолатланган иш ўрин-лари яратилиб, меҳнатга ҳақ тўлаш белгиланган тартибда амалга оши-рилмоқда.

Тармоқдаги қатор корхона-ларда ходимларни ижтимоий муҳо-фаза қилиш, зарарли шароитларда ишловчиларга имтиёзлар бериш на-мунали йўлга қўйилган. Бу жиҳатдан 600 нафардан ортиқ ходим фаолият юритаётган «Жиззах аккумулятор за-води» АЖда амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Кор-хона бошланғич касаба уюшмаси томонидан 70 дан ортиқ ходимга 45 миллион сўмдан зиёд моддий ёр-дам кўрсатилди. Маъмурият ва ка-саба уюшмаси келишув орқали хасталикка чалинган уста Акмал Аб-дуллаев ва цех синовчиси Шер-

зод Алимовнинг фарзанди давола-ниши учун етарли миқдорда мод-дий ёрдам кўрсатилди. Таъмирлаш цехи фарроши Гулбаҳор Дўсмоно-ванинг мурожаати асосида уй-жой таъмири учун 29 миллион 750 минг сўм ажратилди. Шунингдек, заводда байрамлар, туғилган кун ва юбилей саналари муносабати билан тақдир-лаш, ижтимоий ғимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, пенсионер ва нурунийлар, уруш фахрийлари хол-аҳволдан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, совға-са-лом ва озиқ-овқатлар билан таъ-минлаш ишлари муттасил давом эт-тирилмоқда.

Савобли ишлардан «Са-марқанд автомобиль заводи» ҚК МЧЖ, «UZ TBM» ҚК МЧЖ (МАН заводи), «Элхолдинг» ИИЧБ, «UZAuto TRAILER» «Стеклопластик», «SAMPLASTSERVIS» ва «JLZZAX ADM» МЧЖлар ҳам четда қолгани йўқ. Энг муҳими, машинасозлик ва металлургия соҳасида жамоат таш-килотининг қармови тобора кен-гаймоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Бухоро
вилояти

Мушоҳада

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Аёлларга қилинадиган оилавий зўравонликлар жамиятга шунчалик илдиз отганки, уни жиловлаш учун чоралар камлик қилаётгандек гўё. Давлати-миз томонидан тадбирлар қанчаллик кучайтирил-масин, агар аёлларнинг ўзлари дадил ҳаракат қи-лишмаса, ҳуқуқий ҳужжатларни ишлатиш қийин кечади.

Яқинда Бухоро вилоя-тини аёллар жиноятчилиги-дан холи ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари доирасида аноним сўровнома ўтказилди. Хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликлардан жабр-ланишининг олдини олишга оид саволлар келтирилган бу сўровномада вилоятдан уч мингга яқин респондент қат-нашди. Сўровномада «Сизга ёки яқин инсонингизга нисба-тан тазйиқ ёки зўравонлик со-дир этилганими? Агар содир этилса, ҳуқуқларингизни би-ласизми?» деган муҳим савол бор. Бу саволга респондент-ларнинг 10,8 фоизи тазйиқ ва зўравонликка учраганини, шундан 8,4 фоизи уларга нисбатан зўравонлик содир этилган бўлса-да, оила аъзо-лари шаънини ўйлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилмаганини бил-диришган.

Ҳа, афсуски, оила шаъни деб аталувчи «ўзбекона ан-диша» стереотипларни бу-зишга кўпчилиكنинг ҳақди сиғмайди. Бунга жамиятда шаклланган «аёл ҳаммасига чидаши зарур» деган нотўғри тушунчалар сабаб бўлмоқда. Аслида каттагина жиноят са-налган оилавий зўравонлик-ларга қарши курашиш учун ўзида куч топа олган икки фоиз қурбонларнинг жасора-тига тан бериш керак. Қолган саккиз фоизи эса келгусида ҳам оила шаънини ўйлашни афзал билмоқда.

Сўровнома таҳлилларини кўздан кечириб, унда зўра-вонликларнинг асл сабаблари қандай оимиларга боғлиқлиги ва асосан, кимлар томонидан содир этилаётганига ҳам жа-воб топиш мумкин. Масалан, «Хотин-қизларга нисбатан со-дир этилаётган тазйиқ ва зўра-вонлик ҳолатларининг сабаби нимада?» деган саволга 50 фоиз иштирокчи ишсизлик, 47,6 фоизи эса оилавий муно-сабатларга учинчи шахснинг аралашувини сабаб қилиб кўрсатишган.

«Аёлларга нисбатан кўпроқ ким томонидан тазйиқ ва зўравонлик ўтказилади?» деган саволга 72,4 фоиз рес-пондент турмуш ўртоғи, 52,3 фоизи қайнона, қайнота, қайнак-қайноқалар деб жа-воб беришган.

– Сўровнома натижалари-дан маълум бўляптики, – дей-ди хотин-қизлар жиноятчили-гини бартараф этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи аъзоси Адолат Акрамова. – Аёлларга асосан уларнинг турмуш ўр-тоқлари, шунингдек, турмуш ўртоғининг яқинлари томони-дан тазйиқ ва зўравонликлар ўтказилмоқда. Бунга оиланинг

доимий иш билан таъмин-ланмагани, қурбонларнинг етарли малака ва маълумотга эга эмаслиги, оила бошлиғи-нинг спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу қўй-гани каби бир қатор ҳолатлар сабаб бўлмоқда. Шундай экан, бу ҳолатларнинг олдини олиш учун фаолиятни янада кучай-тириш зарур. Бунда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши ҳам яхши натижалар бериши мумкин.

Шу кунларда мамлака-тимиз бўйлаб зўравонликка қарши тадбирлар эълон қи-линган. Бу тадбирларда Ўз-бекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт соғломлашти-риш ишлари бошқармаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

– Вилотимиздаги меҳнат жамоаларида спорт ўйинлари ўтказилмоқда, – дейди Ўзбекист-он касаба уюшмалари Феде-рациясининг Жисмоний тар-бия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Бу-хоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ойбек Ҳайитов. – Масалан, маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси тизимининг вилоят-даги ташкилотлари ходимлари учун 5000 қадам юриш мара-фони ўтказилди. Ёки соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари ходимлари учун спорт мусобақалари ташкил этилди. Қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси тизимида аёллар спартакиа-даси ўтказилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари тизимида «Отам, онам ва мен бахтли оила» шиори остида спорт ўйинлари ташкиллашти-риди.

Умуман, бу каби тарғибот тадбирлари кучайтирилиши ва уларнинг спорт ўйинлари кўринишида ўтказилиши аҳо-лининг хабардорлик даража-сини оширишга хизмат қи-лади, кўпчиликни атрофда содир бўлаётган зўравонлик-ларга бефарқ бўлмасликка даъват этади, оилавий зўра-вонликларга учраётган яқин-лари ҳолидан хабар олиш, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя-да эканлигини яна бир қарра эслатиб ўтишга хизмат қилади.

Қарс икки қўлдан, деган-ларидек бу иллатга қарши на-фақат ҳуқуқмат, балки бутун жамият биргаликда ҳаракат қилсагина исталган натижага эришиш мумкин. Акс ҳолда ҳали узоқ йиллар давомида қизларимиз, аёлларимиз ўз-бекона андиша қурбонига ай-ланаверадилар.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Эзгулик

Сўранг, жавоб берамиз

САВОЛ:

Қариндошимнинг II гуруҳ ногиронлиги бор келини оиласи билан 15 йилдан буён яшаб келаётган уйни маҳалла орқали ўз номига ўтказмоқчи. Аммо уй марҳум қайнотаси-нинг номида бўлиб, кадастр ҳужжатлари йўқолган. Келин қайнотасининг бошқа фар-зандлари ва яқин қариндошлари розилиги-сиз уйга эғалик қилиши мумкинми?

Гулора АВЕЗНИЯЗОВА

Тўртқўл тумани

МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ УЙГА ЭҒАЛИК ҲУҚУҚИНИ БЕРА ОЛАДИМИ?

ЖАВОБ: Савол мазмунига кўра, келиннинг марҳум қайнотасига тегишли бўлган уйга нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида сўз юритилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Васият бўйича амалга оши-рилади деганда меросга қолдирилган мулкнинг тақ-дири марҳум томонидан у тириклигиде қолдирган ва-сиятнома шартларида кўзда тутилган тартибда ҳал қи-линиши тушунилади.

Васиятнома мавжуд бўлмаган ҳолларда эса ворислик қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади. Бунда ме-росхўрлар ворисликка қонунда назарда тутилган нав-бат бўйича чақирилади. Хусусан, мерос қолдирув-чининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олин-ган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи нав-батдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Мерос қол-дирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбат-даги ворислик ҳуқуқига эгадирлар.

Мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлишади. Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бў-лишади, бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қарин-дошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлишади.

Ворислик (мерос) ҳуқуқини белгилаш масалалари маҳалла ўзини ўзи бошқарув органларида эмас, балки нотариал идоралар ёки суд органларида ҳал қилинади. Уй-жойнинг йўқолиб қолган кадастр ҳужжатларини тиклаш масаласида эса тегишли кадастр идорасига бел-гиланган тартибда мурожаат қилиш лозим бўлади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Фанлар академияси 80 ёшда

ИЛМ-ФАН – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда шу кунларда Фанлар академияси ташкил топ-ганининг 80 йиллиги кенг нишон-ланмоқда. Шу муносабат билан «Ўзбекистон» халқаро анжуман-лар саройида байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбе-кистон Республикаси Фанлар академияси 80 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг фахрий меҳмонлар, халқаро миқёсдаги ну-фузли олимлар, хорижий давлатлар фан-лар академиялари президентларига табрик сўзлари берилди.

– Иккинчи жаҳон уруши авжи қизиган 1943 йилнинг 4 ноябрида барпо этилган Фанлар академияси ўтган йиллар мобай-нида катта ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, жаҳон илмий жамоатчилигининг нуфузи ҳамда ҳурматини қозонган илм-фан мар-казига айланди, – дейди Фанлар академия-си президенти Бехзод Йўлдошев.

Ҳозирда Фанлар академияси Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Маҳмуд Замаҳшарий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари дунёга машҳур улуг алломалар, буюк му-тафаккир ва олимларнинг издошларини етиштириб чиқармоқда. Хусусан, илм йў-лида изланаётган ёшларимизнинг бир қан-часи TWAS (Жаҳон фанлар академияси) академиясининг қатор мукофотларини қўлга киритган. Жумладан, ўзбек матема-тикларида 4 нафари Жаҳон фанлар акаде-



мияси академиги, 6 нафари TWAS'нинг ёш олимлар бўлими аъзоси саналади.

Фанлар академиясида ёшларнинг ил-мий тадқиқотини қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашишга алоҳида эътибор бе-риляпти. Уларнинг илмий изланиши асо-сида маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи, экспортбop қўллаб маҳсулот-лар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, мо-носилаш ва поликристалл кремний олиш-нинг янги технологияси яратилди. Мазкур ишланма Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Жа-нубий Корея, Хитой, Тайвань ва Европа Иттифоқи мамлакатларида патент билан ҳимояланган.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, «Як-каю ягона нажотимиз – илм» эканлиги қай-та-қайта эътироф этилган тадбир доира-

сида Фанлар академиясининг инновацион ишланмалар кўргазмаси ташкил қилинди. Унда академия илмий ташкилотлари сўнгги йилларда эришган ютуқлари, мамлакат киш-лоқ ҳужалиги, тиббиёти, иқтисоди, маъна-вий ривожига муносиб ҳисса қўшаётган лойиҳалар натижалари, илмий ишланмалар, китоблар ва рисоалар, намойиш этилди.

Шунингдек, Фанлар академияси ташкил этилиши ва ривожланиши ҳамда мустақил-лик йилларида фаннинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришга бағиш-ланган «Учинчи Ренессанс пойдевори» номли ҳужжатли фильм ҳамда Ўзбекистон санъат усталарининг концерт дастури тақ-дим қилинди.

Тантанали тадбирнинг эртасига Фан-

лар академиясида «Илм-фан – янги Ўзбе-кистоннинг пойдевори» номли халқаро анжуманинг ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда АҚШ, Россия, Монголия, Хитой, Беларусь, Австрия, Туркия, Гру-зия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Эрон ва бошқа давлатлардан келган халқаро миқёсдаги олимлар, ўзбек илм-фани даргалари, ака-демиклар, турли соҳаларнинг етук мутахас-сислари қатнашди. Шуёбаларга бўлинган ҳолда Фанлар академиялари ҳамкорлигига доир муҳим масалаларга асосланган маъ-рузалар, илм-фандаги сўнгги янгиликлар, тадқиқотларга доир маърузалар тинг-ланди. Шундан сўнг юбилей тадбирларига таширф буюрган чет-эллик меҳмонлар, Фанлар академиялари президентларининг ҳамкорлик масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Фанлар ака-демиясида «Янги тадқиқотлар ва каш-фиётлар» номли экспозициядан ташкил топган музей очилиши бўлиб ўтди. Кенг жамоатчилик иштирокида очилган музей-дан академия тизимида фаолият кўрсата-ётган институтлар, марказлар ва музей-ларда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишланмалар ва илмий нашрлар ўрин олган.

Юбилей тадбирлари доирасида хориж-лик меҳмонлар, олимлар Фанлар акаде-миясининг илмий ташкилотларига таширф буюриб, уларнинг фаолияти билан ақин-дан танишишди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига ҳам саёҳат қилишди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



«ISHONCH» GAZETASINING SHU
ЙИЛ 12 ДЕКАБРДАГИ СЕНИДА
«УНУТИЛГАН ЗИЁ МАСКАНЛАРИ»
САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИ-
ЛИБ, УНДА КАРМАНА ТУМАНИ
ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН НАВОИЙ
ВИЛОЯТИ КЎЗИ ОЖИЗЛАР МАХ-
СУС КУТУБХОНАСИНING БИР НЕЧА
ЙИЛЛАРДАН БУЁН ЖУДА АБГОР
ХОЛАТДА ҚОЛАЁТГАНИ ТАНҚИД
ҚИЛИНГАН ЭДИ.
ШУНДАН СЎНГ ОРАДАН КЎП ЎТ-
МАЙ, НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ
НОРМАТ ТУРСУНОВ МАЗКУР КУ-
ТУБХОНАГА СОҲА МУТАХАССИС-
ЛАРИ БИЛАН ТАШРИФ БУЮРИБ,
ВАЗИЯТНИ ЎРГАНДИ.



ҚИММАТГА ТУШГАН ЎЗБОШИМЧАЛИК

Жиззах вилояти Экология бошқармаси шу
хўдуддан оқиб ўтувчи «Сангзор» дарёси ўза-
нидан қўм-шағаллар ноқонуний равишда
қазиб олинишни аниқлаш мақсадида назо-
рат рейдлари ўтказди.

Тадбир давомида фуқаро Н.И. ушбу маҳсулот-
ларни Ғаллаорол туманидаги «Гулистон» МФЙ ҳуду-
дидан оқиб ўтувчи дарё ўзанидан ўзбошимчалик бил-
лан қавлаб олгани фош этилди. Шу боис унга нисба-
тан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг
70-моддаси 4-бандига асосан иш кўзғатилиб, базавий
ҳисоблаш миқдорининг 20 баробари миқдорда, яъни
6 миллион 800 минг сўм жарима белгиланди.

Туркистон тоғ тизмаларидаги қорликлардан бош-
ланадиган Сангзор дарёси қадимдан вилоятдаги Бах-
мал, Ғаллаорол, Жиззах туманларини ичимлик сув
билан таъминлайди, шунингдек, ерости сувлари ҳо-
сил бўлишида табиий манба вазифасини ўтаб келади.
Кейинги йилларда обихаётга талаб ортгани боис вило-
ятнинг тоғолди ҳудудларида ҳосил бўладиган ерости
сувларидан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилди. Айни кез-
ларда Сангзор дарёси ўзани ва бошқа тоғолди ҳудуд-
ларидаги 800 дан зиёд насосли қудуқдан вилоятнинг
катта қисмига ичимлик сув етказиб берилаётди. Ҳуку-
матимиз қарорига кўра, ерости чўчүк сувлари ҳосил
бўладиган ушбу манбаларга алоҳида муҳофаза қили-
надиган табиий ҳудуд мақоми берилган.

Вилоятдаги сув манбаларида экологик меъёрлар
бузилмагани ҳам, аввало, ана шундай чора-тадбирлар
қўлланилаётгани самарасидир.

– Алоҳида муҳофаза этиладиган ерости чўчүк сувларининг сатхи ва кимёвий таркибини кузатиб бориш табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг доимий эътиборида, – дейди Жиззах вилояти ўтган даврида бошқармаси бошлиғи Эркин Холматов. – Худудда табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойлиқларидан тўғри фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва халқаро меъёрлар бажарилишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида сув ҳавзаларининг зарарланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада камайишига эришиляпти.

Бошқарманинг сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси жорий йилнинг ўтган даврида мунтазам равишда режали текширишлар, рейд ва мониторинг-кузатув ишларини ўтказиб келди. Ана шу жараёнларда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар талаблари бузилишига боғлиқ 20 тага яқин ҳолат аниқланиб, йўл қўйилган хато-камчиликлар бартараф этилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Тошкент вилояти

«ЕЛВИЗАКДА КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛМАЙСИЗМИ?»

«Кўкат бозори»нинг ҳолати қачон яхшиланади?

Кўпчилик яхши биладики, Янгийўл тумани аҳолиси асосан иссиқхона хўжалиги билан шўғулланади. Айниқса, тумандаги «Кўкат бозори» анчагина машҳур. «Кўкат бозори» (аҳоли уни «Зелень бозор» деб атайди)да фақат кўкатлар сотилади. У ерда бошқа маҳсулотни учратмайси.

Маълумотларга кўра, харидорлар вилоятнинг кўпгина ҳудудларидан, ҳатто бошқа вилоятлардан ҳам шу ерга келиб, кўкатларни анча арзон – улгуржи нархларда олиб кетишади. Шунингдек, деҳқонлар етиштирган маҳсулотларини шу ерга топширишади. Сўнг улар жамланиб, маҳаллада жойлашган махсус совутиқхоналарда қадоқланади ва чет давлатларга етказиб берилади.

Аммо бизни кўпроқ бозордаги шарт-шароитлар ҳайрон қолдириди. Чунки бу бозорда биронта растани учратмайси – барча маҳсулотлар ерда сотилади. Том қисми ёпиқ бўлса-да, атрофи очик, Елвизак одамнинг этини жунжиктиради. Маҳсулотларини сотаётган деҳқонлар орасида ёши катта онахону отахонлар кўп экан. Ҳозирги совуқ ҳавода бу ерда бир муддат турган одамнинг саломатлиги ёмонлашиши эҳтимолдан холи эмас.

– Бу ерда қанча вақт турасиз, елвизакда касал бўлиб қолмайсиизми? – дея савол берамиз бир сотувчига.

– Улгуржи савдо бўлгани учун кўпинча маҳсулотларни тез топшириб кетамиз. Баъзида бироз туриб қоламиз. Наилж, шароит шундай-да. Бунга кўникканмиз, – дейди у.

Сотувчиларнинг яна айтишича, ҳар бир деҳқон у ерда 2-3 минг сўмдан патта пули ҳам тўлайди. Ҳеч қандай шароити бўлмаган жой учун нима сабабдан патта пули олинишига эса жавоб тополмадик.

Шу ердаги дўконда савдо қилаётган раҳбарнинг яқин қариндошидан бизни у билан учраштиришни, ҳеч бўлмаса, телефон рақамини беришни сўрадик. Сотувчи эса раҳбарнинг айни пайтда дам олишда эканини айтди. Ишчилардан маълумот сўрасак, «раҳбардан рухсат керак, биз гап эшитамиз» дейишдан нарига ўтишмади. Шу боис, ушбу елвизакли бозордан батафсилроқ маълумот олишнинг имкони бўлмади.

– Келин бўлиб тушганимдан буён иссиқхонада кўкат етиштириш билан шўғулланамиз, – дейди шу бозорда савдо қилаётган бир аёл. – Бир кун уларни узиб, боғласак, эртаси куни бозорга олиб чиқамиз. Кўкатлар ҳар хил, боғламнинг нархи 300 сўмдан 4 минггача. Ҳар бир катта боғлам ичида 5 та кичикроқ боғлам бор. Бозор, супермаркет ва тамадди-хоналарга биздан улгуржи нархларда олиб кетишади. Бир кунда 100-200 минг сўмгача савдо қилса бўлади. Биз оиламиз билан шу иш билан бандмиз, асосий даромадимиз ҳам шундан...

Биз кўкат етиштириш жараёнини ҳам кўздан кечириш учун бозор яқинидаги «Ниёзбош» маҳалласида яшовчи Гулнора Шерқўзиева хонадонига бордик.

– Бу иш билан оилавий шўғулланаётганимизга 40 йил бўлди, – дейди Гулнора опа. – Кўкат етиштириш ҳам ўзига яраша машаққатли иш. Битта иссиқхонани яхшилаб дорилаш учун 500 минг, гоҳида ундан ҳам кўпроқ маблағ сарфланади. Совуқ кунларда кўкатлар нобуд бўлмаслиги учун иссиқхонани кўмирда иситамиз.

Маҳсулотлари-мизни ўзимиздаги «кўкат бозори»га олиб чиқамиз, баъзан харидорлар уйимиздан ҳам олиб кетишади.

Биласизми, юртда арзончилик бўлгани яхши-ю, бироқ етиштирган маҳсулотингиз арзон нархда кетса, унга тиккан харажатингиз ва меҳнатингизни қопламаса, куюнаси... Чунки заҳда меҳнат қилганингиздан кейин маҳсулотингизни ҳам яхши нархда сотишни истайсиз. Ҳозир кўкатларнинг нархи жуда арзон бўлиб кетди.

«Ниёзбош» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Жонмирзаев берган маълумотга кўра, нафақат ушбу маҳалла аҳли, балки бутун янгийўлликларнинг аксарияти иссиқхона тутайди. 526 та хонадондан иборат «Ниёзбош» аҳлининг 90 фоиздан ортиги иссиқхоналарда кўкатлар етишти-ради. Аҳоли жуда меҳнаткаш. Болалар ҳам кичик ёшиданок меҳнатга ўргатилади.

Худудда маҳаллий тадбиркорлар ташкил қилган 5 та совутиқхона бор. Мавсум пайтида уларда кўкатларни саранжомлаш ва қадоқлашда маҳаллий аҳолининг кўп қисми иш билан таъминланиб, яхшигина даромад топа олишади. Қадоқланган кўкатлар Россиянинг бир нечта вилоятига экспорт қилинади.

Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги Чиноз тумани ўзининг балиқ бозори билан машҳур бўлса, Янгийўл тумани кўкатлар бозори билан ном қозongan. Янгийўлликларнинг меҳнаткашлигига тасанно айтса арзийди.

Фақат шундоқ ҳам иссиқхонанинг зах шароитида меҳнат қиладиган янгийўлликларнинг камига «кўкат бозори»даги совуқда савдо қилиши ортқича. Мутасаддилар ушбу бозорни яхшилаш, муносиб шароитлар яратиш бўйича зарур чораларни кўриб қўйишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

«Ishonch»да чоп этилгач...

Ҳоким ваъда берди:

БАРЧА МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Аввалига вилоят ҳокими кутубхонадаги шароит, камчилик ва муаммолар билан хона-ма-хона юриб танишди. Бу масканда ишлайдиган ҳар битта ходим билан бирма-бир суҳбатлашди. Кутубхонани замонавий ҳолатга келтириш, миҳозларга намунали хизмат кўрсатиш, китоб фондини янги адабиётлар билан бойитиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни диққат билан тинглади. Бунинг баробарида ишчи-ҳодимларнинг ма-лакаси, муомала маданияти, иш ҳақлари тўғрисида ҳам етарли маълумотга эга бўлди.

– Вилоят ҳокимининг ташри-фини кутмаган эдим, – дейди кутубхона директори Гулнора Аҳмад-Охунова. – У киши муаммоларимизни ўз кўзи билан кўриб, дарҳол вазиятни ўнглаш учун ишга киришди. Навоий шаҳрида янгидан қурилиши режалаштирилаётган замонавий кутубхона-нинг биринчи қаватини биз но-гиронлар ҳамда кўпсонли меҳмонларимиз учун ажратишни маълум қилди. Бундан жамоамиз аҳли, кўзи ожиз китобхоналари-миз жуда хурсанд бўлишди. Мен шу ўринда ушбу савобли ишнинг бошланишига ва ўта ачинарли шароитимизга раҳбариятимиз-нинг эътиборини қаратишга катта ҳисса қўшган «Ishonch» газетаси тахририятига барча ходимлари-

миз, ўқувчи-китобхоналаримиз номидан самимий миннатдорлик билдираман. Биз сизнинг меҳнатингиздан ҳам, вилоят ҳокими-нинг ташрифидан ҳам жуда мамнунмиз.

Кутубхонага вилоят ҳокими келиб-кетгач, жиддий ҳаракатлар бошланиб кетгани рост. Бунга далил шу куни кечга яқин Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона бюрут-мачи хизмати» давлат унитар кор-хонаси директори Алишер Тур-



диев мутахассислари билан бирга ушбу масканининг ўлчамларини олиб кетганини айтиш кифоя. Шунини алоҳида таъкидлаши-

миз лозимки, ушбу кутубхона-даги муаммолар ва уларнинг келиб-чиқиши, ечими, уларга нисбатан вилоят ҳокимининг му-носабати ҳақидаги маълумотлар

Навоий вилояти ҳокимлигининг ахборот хизматида ҳам атроф-лича ёритилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Танқидлардан сўнг вилоят ҳокими вазиятни ўрганиш ва кутубхонани кўриш мақсадида ушбу масканга борди. Тегишли масъуллар билан мулоқотда бўлиб, камчиликларни бартараф этиш борасидаги таклифларини тинглади. Шу жойнинг ўзида барча муаммоларни тугатишга ҳамда кутубхонага шаҳар марка-зидан қурилиши режалаштири-лаётган янги бинонинг биринчи қаватидан жой ажратишга ваъда берди».

Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай жамиятда ҳам ўз ўр-нига, фикрига, муносабатига эга бўлиб келган. Агарда муаммони ўз вақтида ва холисона талқин этиш, унга нисбатан раҳбарлар-нинг эътиборини қарата олиш борасида янада кўпроқ излана-диган бўлсак ва бунинг натижа-сида тегишли раҳбарлар адо-латли қарорларни қабул қила олса, ўйлаймизки, жамиятдаги муаммолар, мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишига тўсиқ бўлаётган камчиликлар кундан кунга камайиб борава-ради.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

Оғрик тишлар...

Жамоат эшитув
ўтказилиши ҳақида эълон
«Хоразм
вилоятида сув
таъминоти ва
канализация
тизимларини
модернизация
қилиш»
лойиҳасининг
экологик баҳоси

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги «Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Хоразм вилоятида сув таъминоти ва канализация тизимларини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига асосан Хоразм вилояти Хива шаҳрида канализация то-залаш станцияси модернизация қи-лиш ҳамда Питнак шаҳридаги сув уза-тиш иншооти ва канализация тозалаш станциялари модернизация қилиш кўзда тутилган.

Мазкур қарор ижросини таъмин-лаш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда «Хоразм вилояти сув таъминот» МЧЖ томонидан лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ишлари олиб борилди.

Баҳолаш лойиҳанинг атроф-муҳитга қандай таъсир этишини аниқлайди, сал-бий таъсирларни юмшатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади, лой-иҳа объектларини қуриш, эксплуата-ция қилиш билан боғлиқ оқибатларни кўриб чиқади.

Лойиҳанинг атроф-муҳитга таъси-рини баҳолашда муҳим омил бу бе-восита у амалга оширилган ҳудудда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларни йиғиш учун мўлжалланган жамоатчи-лик эшитувни ташкил этишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни маълум қиламизки, жамоатчилик эшитувлари 2023 йил 21 декабрь куни соат 15:00 дан 16:00 гача Гурлан тумани ҳокимлиги биносиде бўлиб ўтади.

Тадбирда лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берилади ҳамда манфаат-дор томонлардан шарҳ, изоҳлар қабул қилинади.

Лойиҳанинг амалга ошириш билан боғлиқ барча фикр-мулоҳаза, шикоят, сўров ва таклифларни қуйидагиларга йўллаш мумкин.

«Хоразм вилояти сув таъминот» МЧЖ томонидан аҳоли ва манфаатдор шахсларнинг муурожаат (савол, таклиф, шарҳ)ларини йиғиш учун маъсул: Раҳ-монов Алишер.

Лойиҳа доирасида муурожаат-лар учун электрон манзили: alisher.rakhmanov.70@mail.ru. Телефон: +998 99 944-51-65.

«Хоразм вилояти сув таъминот» МЧЖ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-дерацияси раҳбарияти ва жамоа аъзо-лари Федерациянинг Тошкент вилояти кенгаши раиси Муроджон Лазизович Носировга Солиҳ

Турсуной Солиҳовна НОСИРОВА
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари ка-саба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Дилбар Тўхтаевага опаси

Гулнора ТЎХТАЕВА
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент дав-лат педагогика университети ректо-рати ва Олий таълим муассасасининг касаба уюшма кўмитаси Табиий фан-лар факультети «Зоология ва анато-мия» кафедраси собиқ доценти, био-логия фанлари номзоди

Сора ФАЁЗОВА
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинла-рига ҳамдардлик билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани кен-гаши Шайхонтоҳур тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг дарс-ликлар бўйича методисти Озода Ҳай-даровага онаси


Норсулов ая ХУДОЙБЕРДИЕВА
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.



Фарида АФРЎЗ:

Сўхбат

ЯНГИ ШЕЪР ЁЗГАН КУНИМ – МЕН УЧУН БАЙРАМ



Эски йилнинг сўнги ҳамиша саволлар ва армонларга тўла бўлади: «Наҳотки, яна бир йил ўтди? Наҳотки, яна улгурмадим? Нималарга эришдим? нималарни бой бердим?»...

Аслида, эски йилда омон қолгани ҳам катта бахт, чунки бир йил ичида қанча яқинларингдан, қадрдонларингдан, таниш-билишларингдан айриласан. Аллоҳнинг қадари туфайли дунёдан ўтганларга кўнасан, дуо қиласан, уларнинг руҳини шод этгинг келади. Аммо, энг ачинарлиси, тирик бўла туриб, айрилиб қолаётган одамларинг юрагингни ўртайди.

Эришилаётган ютуқлар бисёр, лекин руҳинг, ақлинг ва тафаккурингнинг сенга қилаётган вафоси олдида бу қилган ишларинг ҳеч гап эмас.

Янги йил энг аввало, шукр ва умид олиб келади. Умидки, улкан тоғни талқон қилиб, эладан ўткази оладиган қудрат умиди!

Янги йил эшик қоқаркан, кўнгилдан шундай ўйлар ўтади. Бу борадаги ўй-фикрлари, туйғулар, кечинмалари билан ўртоқлашиш мақсадида ширча Фарида АФРЎЗга юзландик.

– Мана, яна бир йил ортга чекинапти. Вақт югурик, ўтиб кетаётганини сезмай қолади киши...

– Вақтнинг тез ўтишини ҳар доим, ҳар куни илғайман, ҳис қиламан. Лекин негадир ёшинг улуғлаган сари вақтнинг кичиклашиб бораркан. Умр довонидан ўтиб, ёлғизлик дарасида оёқяланг кетаётганингни англаб турасан. Вақтни тўхтатадиган муҳаббатли, мутолааи, жонон сўхбатли лаҳзаларининг соғиниб яшайсан.

Инсон, инсон бўлибдики, ўзини англайти билан овора. «Йўқ, мени тушунмадингиз, мен ундай демоқчи эмасдим...» каби фикрлар ҳар қа-

дамда қулоққа қалинади. Гапирмасингдан тушунадиган дўстларнинг эса доим йироқда ёки вақтлари тигиз...

– Амалга оширолмаган режа, иш, ният...

– Аввало, қилинган ишлар ҳақида гапирсам, бу йил менинг энг катта қилган ишим: 4-жилдлик танланган асарлар тўплами «Шарқ» нашриётида чоп этилди. Биласизми, жилдлик асарлар ижодкорни жамлар экан, гўё ҳар жойларда сочилиб ётган ҳазинангизни битта олтин сандиққа солгандек бўласиз. Яна Эроннинг машҳур шоири Сухроб Сипехрийнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилдим ва бу китоб ҳам нашрдан чиқди. Шарқшунос олима Наргиза Шоалиева томонидан шеърларим форс тилига ўғрилиб, у ҳам китоб шаклида нашр этилди. Бундан ташқари, немис адабиётининг катта билимдони Ҳафиза Кўчқорова билан замонавий машҳур немис шоири Клаус Мерцнинг «Қутилмаган кечмиш» китобини таржима қилиб, уни ҳам чоп этдик.

Ҳар уч ойда «Афрўз оқшомлари» ижодий кеча, радио, телевидениедаги чиқишлар, интервьюлар, йўқ деганда, ойига 3-4 маротаба тадбир ва учрашувларга боришлар, буларнинг ҳаммаси ўтказган бир йиллик умримнинг ҳосилдор кунлари... Энг асосийси, депутатлик фаолиятимдаги сайловчиларимнинг дарду ҳасратлари, сўров ва талаблари, ҳафтада 4-5 та келган хатларга битилган жавоблар асосий вақтимни олди.

Аммо битмай қолган ишлар ҳам талайгина. «Поэзия и Проза» номли рус тилидаги, «Жонимнинг чечаги» («Ruhumim chisegi») номли турк тилидаги китоблар, «Йўрғакдан аввал теккан дард» номли талқинлар китоби, «Шуур» номли

рангли тасбеҳлар жамланган китобларим ҳали босмаҳонада.

– Янги йил байрами кайфиятини қандай яратасиз?

– Бундай кайфиятни фақат сени тушунадиган дилкашларинг билангина яратиш мумкин, холос. Табиийки, байрам яқинлашган сари байрамона тусга киради.

– Янги йил илҳоми...

– Менинг илҳомим ҳеч қачон байрамлар, тадбирлар ва турли саналарга бўйсунмаган, янги шеър ёзган куним – мен учун байрам.

– Шоира Фарида Афрўзнинг ҳаётида тугаб бораётган 2023 йил нимаси билан қадрли ва яна қандай сабоқлари бор.

– «Ўзни эҳтиётлаш» деган санъат бор. Мен бу борада ношуд, нўноқ ва муросазизман. Нимамни эҳтиёт қилишим керак? Илмимни, тажрибамни, ғайрат-шижоатимни, меҳримни, муҳаббатимни, севгимни эҳтиёт қилайми? Кимдан? Яқинларимданми, мени таниган, мени яхши кўрган, мени излайдиган, йўқлайдиганларимданми?! Шулар ҳақда кўп ўйлайман...

– «Ishonch» мухлисларига тилакларингиз.

– Биламизки, «Ishonch» газетасининг мухлислари давримиз таслилари, ойдинларидир. Келаётган Янги йил – мурод йили бўлсин. Жаҳонга бўй чўзаётган бу муътабар ватан тупроғида яна улуглар, яна азизлар, юртим, миллатим дейдиган кўрли, ҳамиятли инсонлар кўпаяверсин. «Ishonch» хурфикрлиларнинг майдони бўлиб, ишонч билан яшайверсин.

Санобар МЕҲМОНОВА
сўхбатлашди

АРСЛОН ЮКИНИ КЎТАРДИ...

Иқтидорли олим Абдумурод Тилавовнинг Ҳазрати Румийнинг «Маснавий»си асосида тайёрлаган «Қирқ ривоятга қирқ шарҳ» рисоласидаги ўттиз еттинчи шарҳ «Сабрнинг мукофоти» деб аталади. Ҳикоят ва шарҳлар мазмунига жиддий эътибор қаратилса, Ҳазрат Абул Ҳасан Ҳарақоний (963–1033)нинг шарият ва тариқат бобидаги интизоми нақадар эканини равшан англаб етиш мумкин бўлади ва валийлик мақомлари янада ойдинлашади.

Бир дарвеш Абул Ҳасан Ҳарақонийнинг шухратини эшитиб, уни зиёрат қилмоқ учун Талқон шаҳридан йўлга чиқибди. Неча куну, неча тун йўл юриб, тоғлардан ошиб, саҳролардан ўтиб, ниҳоят, ул зот яшаётган шаҳарга етиб бориб, уйини сўрабди. Уни топгач, хурмат юзасидан эшикни оҳиста тақиллатишди.

Ҳарақонийнинг хотини эшикдан бошини чиқариб: – Нима истайсан? – дебди. – Аллоҳнинг дўстини зиёрат қилиш учун Талқон шаҳридан келдим, – деб жавоб берибди дарвеш.

Бунини эшитган аёл қаҳ-қаҳ отиб кулибди: – Узун соқолингга боқ. Ҳеч ўйламай қилган ишингга, бу оворагарчиликка бир қара. Ҳей одам, сенинг бошқа қиладиган ишинг йўқмидики, шунча вақтингни йўлларда зое кетказдинг. Бир аҳмоқни кўриш шунча заҳматга арзийдими? – дея эри ҳақида яна не-не ёмон сўзлар айтиб, ҳақоратлар қилибди.

Дарвеш унинг ҳамма гапини сабр билан эшитди ва охирида:

– Гапириб бўлган бўлсанг, у муборак зотнинг қаредглигини айт, илтимос, – дея кўз ёши тўкибди.

Аёл яна бир қанча ҳақоратомуз сўзлар айтибди. Дарвеш бу ҳолда шайхнинг жойини билиш мушкуллигини англагач, у ердан кетибди. Яна сўраб суриштира бошлабди. Ниҳоят, шайх ўрмонга кетганини билиб, ўша ёққа йўл олибди. Йўл-йўлакай ўзича: «Шундай улуг зот нима жин уриб бундай бадфеъл, тили заҳар, оғзи шалоқ аёлни уйда ушлаб турибди?» деб ўйлабди.

Дарвеш шу ҳаёллар билан борар экан, рўпарасидан баҳайбат бир арслонга миниб олган шайх чиқиб қолибди. У арслонга ўтин юклаган, устида ўзи ўтирган ҳолда каттакан бир илонни қамчи қилиб, уловини

ҳайдаб келаётган экан. Ҳарақоний дарвешни кўриб, унинг кўнгилдан ўтган ўй-фикрларини ўзи айтмасидан илғаб, шундай дебди:

– Мен сен гувоҳ бўлган бадфеъл хотинга сабр қилиб, юкини тортаётганим учун бу арслон менга бўйсуниб, юкимни кўтараётир. (Маснавий. VI жилд, 2044-байт):

Ул таҳаммул чун ҳавойи нафс эмас,
Ул ҳаёли нафсинг эрмиш, эт абас.
Олмасам устимга ул хотин юким,
Устига олғайму эрди шер юким?
Тевалармиз, элга бўлсин деб сабақ,
Юкламшдир устимизга ҳақ Ҳақ.

Шарҳ. Ёмон феъл-атворли инсонлар ҳар даврда бор, улар аёл ҳам бўлиши мумкин, эркак ҳам. Ҳикоямизда ёмонлик аёлга тушибди. Оила бир аёл ва эркак таъсис этган тенглиқдир. Икки томоннинг ҳам ўзаро келишиб, фаровон турмуш кечиришлари орзу қилинади. Аммо баъзан ишлар текис кетмаслиги мумкин. Эр-хотиннинг бири ёмон феълли ва золим чиқиб қолади. Бундай ҳолда, иккинчи томонга тушадиган вазифа – мумкин қадар сабр ва оқиллик намунасини кўрсатишдир. Акс ҳолда, оила тарқалиб, болалар сарсон ва бахтсиз бўлишади.

Бузилган оилалар фарзандлари ўртасида жиноятчилик кўпligи аччиқ ҳақиқат. Илк келишмовчилик, тортишувданоқ ажрашиш йўлини туттиш тўғриси эмас. Ажрашишларнинг ортиши жамият тизимини заифлаштиради. Аммо миллий қадриятларимизни муқаддас билган гўшалар ҳам бор. Улардан намуна олмоқ зарур. Хатирчининг Олтинсой аталувчи табиати дилкушо масканининг шаппатидеккина Хо-

Тўқилмаган ҳикоялар туркумидан

ноқа қишлоғи шулар жумласидандир. 2011 йили хизмат юзасидан у ерда бўлганимда аслиятимиздан бир ҳақиқатни мароқ ва тамшаниш билан тинглаган эдим. Саксон икки ёшли нуруний Ҳожи бобо: «Эс билиб, шунча йил яшаб, эшитганимиз ва кўрганимиз қишлоғимизда то ҳануз кўйди-чиқди бўлган рўзгорни билмадик, яъни хотин билан ажрашган эркак ва ё бир эрдан чиққан хотин бўлмаган! Тўғри, эри ўлиб хотини, хотини қазо қилиб эри бева қолганлар бу ҳисобда эмас», деган эдилар.

Яна бир нарсга ҳайратимни оширган эди: бутун бошли қишлоқ аҳлининг ҳозир ҳам кулхонаси (чиқиндихонаси) бир жойда экан. Шунинг учун зилол бўлоқ сувларидан ҳар қадамда ичса бўлар экан: ариқларида на бир кўндаланг хас бор, на бир оқиб келаётган ғайри жинс.

Менга бу митти қишлоқ том маънода маърифат дарсхонаси бўлиб туюлди. Англаганим шуки, катталарнинг гапи кичиклар учун ҳикमतдек туюлиши, азалий удумлар аждодлардан авлодларга муқаддас ва табарруқ мерос бўлиб ўтиши аҳиллик сабабли экан. Мен қишлоқ аҳли оқсоқолига, оила аҳли раҳбарига итотли бўлиб митти манзилдан хайру барака ҳеч қачон аримагани, кўйди-чиқидилар бўлмагани сабабини ҳам шунда деб билдим.

Суюндик Мустафо
НУРОТОЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Эътибор берган бўлсангиз, кейинги 5-6 йил ичида Тошкент шаҳрида китоб билан савдо қилувчи дўконлар ва чоп этилаётган китоблар сони кескин ошди. Бу ҳолат вилоятларда ҳам секин-асталик билан бўлса-да кузатилмоқда. Демак, китобга талаб ортди. Бунинг замирида давлатимиз раҳбарининг китоб ўқишни рағбатлантиришга қаратилган ғоя ва ташаббуслари, ўтказилаётган турли танловлар, матбаа соҳасига кўрсатилаётган эътибор ётибди, десак муболаға бўлмайдми. Давлатимиз раҳбарининг «Ёшлар учун минг китоб» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада бошланган тадбирларга янги кўлам ва мазмун бахш этди. Боиси, қарорда ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи жаҳонда машҳур бўлган китобларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда шу орқали уларни замонавий илм-фаннинг сўнги ютуқлари билан яқиндан таништириш назарда тутилади.

Ташаббус

ЁШЛАР УЧУН 1000 КИТОБ – КЕЛАЖАККА ХИТОБ

Қарорга кўра, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан жаҳондаги энг машҳур 1000 та китоб ўзбек тилига таржима қилиниб, «Ёшлар учун минг китоб» лойиҳаси амалга оширилади. Шунингдек, давлат буюртмасига асосан китоблардан фойдаланиш ҳуқуқини асар муаллифларидан сотиб олиш, уларни ўзбек тилига таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ҳамда чоп этиш ишлари Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бу ишни ҳам олқишлаш керак. Сабаби, бугун китоб нашр қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар бармоқ билан санарли даражада. Айниқса, дунё миқёсида тан олинган асарларнинг муаллифи ҳуқуқларидан фойдаланиш учун руҳсатнома қимматлиги ҳисобга олинса, муаммолар кўламини тасаввур қилиш қийин эмас. Энди эса, давлат томонидан сотиб олинган ҳуқуқдан барча нашриётлар бирдек фойдаланиб, дурдона асарларни ўзига хос дизайн ва мақбул нархларда сотишлари мумкин.

ЯХШИ КИТОБНИ ТАНЛАЙ БИЛИШ КЕРАК

Китобнинг яхшисини фарқлаш лозим. Яъни маънавий озуқа берадиган ва дунёқараши бойитадиганини танлай олиш муҳим.

Қарорда бу томонлар ҳам ҳисобга олинган. Таржима қилинадиган асарлар рўйхатини шакллантириш учун илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларда тажриба ва етук билимга эга олимлар ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази, Дин ишлари бўйича қўмита мутахассисларидан иборат таркибда Экспертлар кенгаши тузилади.

Бунда кенгаш аъзоларига шартнома асосида ҳақ тўланади.

ЧАЛА ТАРЖИМАЛАР УРЧИБ КЕТМАЙДИМИ?

Кимдадир савол туғилиши мумкин, 1000 та китоб қандай мезонлар асосида танлаб олинади-ю, уни кимлар ўзбек тилига ўгиради, «Гугл таржимон»лар отни қамчиласмикин?

Қарорнинг энг аҳамиятли жиҳати ҳам шунда. Яъни чоп этиладиган китоблар дунё миқёсида энг яхши асар сифатида эътироф этилган ва халқимиз томонидан маъқулланган бўлиши керак.

Ҳужжатда белгиланган тартибга кўра, китобларни таржима қилиш ва нашр этиш икки босқичда амалга оширилади. Хусусан, биринчи босқичда – Экспертлар кенгаши томонидан ҳар йили китобларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади.

Иккинчи босқичда – аҳоли томонидан овоз бериш йўли билан танлаб олиш учун дастлабки рўйхат Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот тизимларига жойлаштирилади ҳамда бу орқали яқиний рўйхат шакллантирилади.

ЭНДИ ИЛМИЙ АСАРЛАРНИ ҲАМ ЎЗ ТИЛИМИЗДА ЎҚИЙМИЗ

Қарорда белгиланганидек, лойиҳа доирасида ҳар йили нашр этиладиган китоблар рўйхатида камида 20 фоиз илмий-оммабоп асарлар киритилади. Бу нафақат бадий мутолаа ихлосмандлари, балки илмий тадқиқотчилар, изланувчилар учун ҳам катта қулайлик ва имконият яратади.

Қарор доирасида 2023-2024 йилларда дастлабки танланган 50 номдаги китобни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш чоралари кўрилади.

Китобларни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ давлат харидлари талабгорлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаш ҳамда тендер ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бу билан халқимиз янги асарларни ўқиш имкониятига эга бўлса, шу вақтга қадар эътибордан четда қолиб келаётган таржимонлар ҳам даромад манбаасига эга бўлади, уларнинг ҳисоблар олдидаги масъулиги ошади.

Қарорга мувофиқ, давлат буюртмасига асосан таржима қилинган ва чоп этишга тайёрланган китобларга доир ҳуқуқлар Ёшлар ишлари агентлиги тасарруфида қолдирилади ҳамда ушбу китобларни келгусида нашриётлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан чоп этиш ва реализация қилиш учун Ёшлар ишлари агентлиги томонидан бепул асосда тақдим этилади.

ХАЛҚ ЎЗ ПУЛИГА ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБЛАРНИ БЕПУЛ ЎҚИЙДИ

Бюджет маблағлари асосида чоп этилган китоблар сотувга чиқариладими, уларни қандай ўқиш мумкин? Қарорда бу саволга шундай тарзда жавоб берилган: давлат буюртмасига асосан чоп этилган китоблар Экспертлар кенгаши тавсиясига кўра, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ахборот-кутубхона муассасалари, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кутубхоналарига беғараз тақдим этилади.


Ёшлар ишлари агентлиги томонидан «Халқ банки» билан биргаликда ўзбек тилидаги адабиётлар жамланадиган ва аҳоли томонидан бепул фойдаланиладиган махсус мобиль илова яратилади. Бу билан нафақат халқимиз, балки ўзбек тилида сўзлашадиган бошқа давлат фуқаролари ҳам жаҳон адабиётининг энг сара асарларидан баҳраманд бўлишади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор мамлакатимизда китоб мутолаасининг янада оммалашуви, ёшларнинг ақлий салоҳияти ва дунёқарашини бойитишга, илмий тадқиқот ишларини сифат жиҳатдан яхшилашга, олий, ўрта махсус ва халқ таълими тизимида қўшимча адабиётлар ҳажмининг ортишига хизмат қилади.

Шу маънода айтганда, **Ёшлар учун минг китоб – келажакка хитобдир.**

Дилшод БЎРИЕВ,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети ўқитувчиси

МУАССИС:



«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalari
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»
Valentina MARSEN'YAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 18:20
Topshirildi – 18:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manziliimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqam:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB («poteka banka»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1213
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30269
13938 nusxasi «Sharq»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi boshqaruvida
chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.